

(1892-йил, Бухоро - 1934-йил 1-июн, Тошкент)

Бухородаги жадидчилик ҳаракати намояндаси, сиёсат арбоби. Бошлангич таълимни Бухорода олгач, Истанбул мадрасасида ўқиди. Отаси йирик савдогар Мирза Мухитдин Мансуров илк жадид газетаси “Бухоройи шариф”ни моддий жихатдан таъминлаб турган, янги усул мактабларига хомийлик қилган. А. Мухитдиновнинг илк мақолалари Оренбургдаги “Вакт” газетасида эълон қилинган (1910).

Бухорода 1917-йил апрел намоёйишидан кейин ёш бухороликлар партияси МКга аъзо бўлди. Колесов воқеасидан кейин Самарканд, Тошкент, Москвада мухожирликда яшашга мажбур бўлди (1918-19). У Туркистон мусулмонлари бюроси аъзоси (1919-20) ҳамда “Кутулиш” газетаси муҳаррири (1920) эди. Бухорода амирлик қизил аскарлар қучи билан ағдарилгач, А. Мухитдинов Умумбухоро Инқилобий қўмитаси раиси (1920-йил сентябр - 1921-йил сентябр), БХСР дехкончилик нозири (1920-21) каби масъул лавозимларда ишлади. БХСР нинг дастлабки Конституциясини ишлаб чиқишда қатнашган, Бухорода ер-сув ислохоти ўтказилиши ташкилотчиларидан бири. А. Мухитдинов БХСР нинг хорижий мамлакатлар билан Россия воситачилигисиз мустақил алоқа ўрнатиш, босқинчи қизил армияни олиб чиқиб кетиш, халқ милитсияси сингари миллий армия тузишни қатъий талаб қилган.

Шунинг учун ҳам Марказнинг Туркистондаги таянчи бўлган Турккомиссия томонидан А. Мухитдинов ва унинг тарафдорлари “ўнг огмачилик”да айбланиб ва лавозимидан бўшатилади. Лекин, шунга қарамайдан у 1921-24-йилларда БХСР савдо ва саноат вазири, Бухоро Халқ хўжалиги Олий кенгаши раиси, Бухоро Иқтисодий кенгаши раиси, БХСР нозирлар шўроси раисининг 2-муовини лавозимларида ишлади ва Бухоро Республикасининг мустақиллиги, эътиқод эркинлиги, демократик ислохотларни ёқлаб чиқди.

Ўрта Осиёда миллий ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР ташкил қилинган, А. Мухитдинов Тожикистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси қилиб тайинланди (1925-29). Тожикистон ССР тузилган, у Ўзбекистон ССР таъминот Халқ Комиссарлигида ишлади.

1933-йил 21-августда совет режими томонидан А. Мухитдинов қамолга олиниб, унга “буржуа миллатчиси” таъғиси ёпиштирилди ва 1934-йил 1-июнда отиб ташланди.